E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ•

Маҳмудова Г.Т.

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ

“Фалсафа ва матиқ” кафедраси профессори.

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган ижтимоий тараққиёт, тарихий ҳодиса, ижтимоий онг, миллат ва шахс моҳиятини белгилаб бераётган жараёнларнинг моҳияти таҳлил этилган. Жумладан, бу жараёнларнинг концептуал-фалсафий асослари, замонавий методология – мураккаб тизимлар кесимида далилланган.

Калит сўзлар: Стратегия, ижтимоий онг, мураккаблик, тизим, ижтимоий тараққиёт, тафаккур.

Инсон ва давр, шахс ва жамият, одам ва табиат ўртасида мураккаб жараёнлар кечмоқда. Инсоннинг ижтимоий-тарихий амалиёти ўз ҳаракатини шу даражада тезлаштириб юбордики, биз ҳар қадамда замон мазмуни мураккаблашиб кетганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳаёт шиддати, ижтимоий ўзгаришларнинг миқёси турғун замон ҳақидаги анъанавий фикрларимизни кенгайтирмоқда. Замонавий инсон қабул қилаётган ижтимоий, сиёсий ва маданий ахборот оқими ҳозирги кунда шу даражада кенг ва бойки, инсоннинг маънавий моҳиятига ва шахснинг ижодий имкониятларига таъсир қилмай иложи йўқ. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Даврлар ўтаверади, замонлар алмашаверади. Бу ёруғ оламга келган ҳар бир одамзод авлоди турли ўзгариш ва янгиланишлар сари интилаверади»[1]. [1.5].

Бу ишора мураккаб, тез ўзгарувчан жараёнларни янги методологик ёндашувлар асосида ўрганиш, таҳлил қилиш, амалий таклиф ва тавсиялар бериш, прогноз қилиш зарурияти ижтимоий омил эканлигидан далолатдир. Методологик ёндашув: Бу маънода айта оламизки, фақат фалсафа оламга бўлган тор, бир ёқлама технократик, фақат ўз фойдасини кўзловчи утилитар-прагматик тафаккурга асосланган ёндашувни бартараф эта олади. Мураккаб тизимларни анъанавий тафаккур тарзи билан англаш, тушуниш етарли эмас. Демак, бошқа тафаккур тарзига зарурат туғилади. Бу тизимли тафаккурдир. Тизимли тафаккур-кузатилаётган ҳодисалар қонуниятини ва маъносини тушунишга ёрдам берувчи ёндашувдир. Тизимли тафаккур - фақат яҳлитликнинг қисмларинигина эмас, балки улар орасидаги мураккаб боғланишларни ҳам кўра билиш қобилиятидир. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Янги Ўзбекистон – “Халқ давлат органларига эмас, далат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган ҳал қилувчи тамойил амалда ўз тадиғини топаётган мамлакат. Янги Ўзбекистон – катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададга муҳтож инсонларга, оилаларга чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётган ижтимоий макондир. Янги Ўзбекистон – жаҳон ҳамжамияти билан, энг аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик эшиклари кенг очилаётган, мамлакатимизнинг жозибадор демократик қиёфаси яратилаётган бугунги бетакрор замондир. Янги Ўзбекистон – ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган, дунё аҳли эътироф этаётган янгиланган жамият, дунёга юз тутаётган эркин бир ўлкадир” [1.27].

• Мақола IL-4821091548-сонли “Замонавий таҳдид ва даъватлар шароитида Ўзбекистон ва Беларусь ёшлари онги шаклланишининг ижтимоий-маданий ва аксиологик асослари” мавзусидаги фундаменталь лойиҳа доирасида тайёрланган.

[1] Шовкат Мирзиёев.Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, “O’ZBEKISTON” нашриёти, 2021,Б.5.

Замонавий жамият ҳамма нарса куч, ақл, кўникма, энергияни мақсадга мувофиқ фаолиятга эътибор қаратиш қобилиятини юксак, максимал даражада сафарбар қилиш асосида хал қилинадиган очиқ жамиятдир. Замонавий авлод табиат бойликларини истеъмолчиси бўлиб қолиши учун туғилмаган. У табиатнинг ўзгаришини тобора кўпроқ ақл иродасига бўйсундириш учун уни тобора кенгайтириши ва чуқурлаштириши керак. Инсоният табиатга нисбатан мослашган мавжудотдан уни билим ва ижодий мақсадларига бўйсундиришга ўтмоқда. Бу имконият инсоният учун янги фикр уфқларини очади, уни тараққиёт сари етаклайди ва хусусий мулкнинг қули бўлишидан ҳимоялайди. Масалан академик Н.И.Лапин фикрига кўра: “Буюк фалсафа абадий мазмунга эга. Мана шу иборада унинг иккиламчи хусусияти яширингандир. У тарихан конкрет, барча инсонлар учун умум аҳамиятлидир, маълум жамиятга дахлдор бўлиб туриб, умум тарихий жараёнга хосдир, унинг тенденцияларини ўзига сингдириб, инсон қалбини бойитади, фаоллигини оширади. Лекин ҳаётнинг зиддиятли, мураккаб, ўтиш даврларида олам ва одамдан ажралиб қолади. Унинг зиддиятлари ижтимоий қатламларда содир бўладиган ўзгаришлар, бир халқлар кўп ҳолларда миллатларнинг маданиятида кескин ўзгариш, бурилиш бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтиш шу даражада ўткир бўлиб кетадики, яқиндагина қадрланган қадриятлардан воз кечиш ва азоб билан янги жиҳатларга ўтишда ўз ифодасини топади” [2.4].

Бу масалага М.Абдуллаева қуйидагича ёндашади: “XX асрнинг охирлари ва XXI асрнинг бошларида инсоният объектив дунёни англаш, тушуниш жараёнида бизни қуршаб олган дунё тўғрисида тўла-тўкис тушунчаларга, билимларга эга бўла олмагани аниқ бўлди. Фалсафада билиш жараёнини тушунишда янги тушунчалар, тамойиллар, нуқтаи назарлар ривожланди, шунингдек, мумтоз тушунчалар ҳам янги моҳият, мазмун билан бойиди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Ривожланиш, ўзгариш дунёнинг тобора мураккаблашиб бориши муаммоларнинг асосий сабабчисидир. Бу жараёнда дунёнинг янги хоссалари, боғланиш ва хусусиятлари кашф этилмоқда. Бизнинг тафаккуримизда дунё чизиқлидир. Чизиқли тафаккур негизида ҳар қандай таъсирга қарши пропорционал акс таъсир бўлади. Лекин ҳаётда биз кичкина таъсир натижасида катта, кутилмаган ўзгаришлар содир бўлишини кузатамиз, биламиз. Шу билан бир қаторда, катта, кучли таъсир натижасида кичкина ўзгаришлар ҳам содир бўлишини кузатганмиз. Бу жараёнлар ночизиқлиликнинг хусусиятларидан биридир” [3.6].

Шу маънода мураккаб жараёнларни тизимли тадқиқотлари методологиясини ишлаб чиқишга зарурият аллақачон пайдо бўлган. Шу маънода тизим турларидан бири ҳисобланган мураккаб тизимниг асосий хусусиятларига эътибор қаратиш, яъни элементларнинг динамик тизими; тизимнинг ўзгарувчан ҳолатларда ўз ҳатти-ҳаракатини ўзгариш қобилияти; мослашувчанликка имкон берувчи, тизимнинг элементлари ёки тизимчаларининг хилма хиллиги; кўп даражавийлиги ва ҳ.к. аллақачон нафақат фалсафий услубият, балки фанлараро тадқиқотлар кўламига сингиб кетган. “Бугунги кунда синергетика – фанлараро тадқиқот соҳаси бўлиб, у билиш жараёнида янги имкониятларни очиб беради. Фанлараро ёндашувларни табиий-илмий, ижтимоий ва табиий-ижтимоий фанларга ажратиш мумкин” [4.5]. Г.Жалолова таъкидлаганидек: “Тизим динамик мураккабликка эга бўлиб, тизимдаги элементларнинг турлича ҳолати ва ўзаро боғланишлари бунга сабабдир. Тизим элементлари орасидаги боғланишлари орқали барқарорликни сақлайди. Тизим ташқи муҳит билан тескари алоқада бўлади. Ҳар бир тизимда мақсад мавжуд бўлади. Бу мақсад оддийгина ўзини сақлаш, барқарорлигини сақлаш кўринишида ёки функционал иерархик юқорироқ тизимга хизмат қилишдан иборат бўлиши мумкин” [5.15].

Замонавий дунё ўзининг мураккаб тузилиши билан инсонга оламга, шу жумладан табиат, жамият ва нанотехнологияларга янгича қараш имкониятини яратди. Бу атрофдаги оламни янада кўпроқ идрок этиш ва англаш учун ёрдам беради ва шу билан инсонда ва янада катта интеллектуал салоҳиятни ривожлантиради. Бу эса инсониятга воқеликни маънавий билишда катта имкониятлар эшигини очади. Ушбу жараён ифода воситаларини бадиий умумлаштиришнинг янги замонавий усулларини интенсив излаш ва оламнинг бадиий билишни кенгайтириш билан тавсифланади [5.92].

Демак ижтимоий онг фаолиятида фикр билан тасаввурни бир-биридан ажратиш жараёни мураккаблашади. Чунки тасаввурсиз фикр, фикрсиз тасаввур яшай олмайди. Шунга қарамасдан, фикрлаш жараёнини ташкил этувчи яққол ва аниқ тафаккур хили билан абстракт ва назарий тушунчаларининг ўз специфик томонлари, белги ва қирралари намоён бўла бошлайди. Масалан, “Замонавий фан трансформациясини ўрганиш долзарб бўлиб қолди, деб таъкидлайди Г.Жалолова, чунки тадқиқот кўрсатадики, бу эпистемологик ва ижтимоий аҳамият касб этади. Биринчидан, ижтимоий омилларга тўхталиб ўтамиз. Бунда энг аввало замонавий жамиятдаги ўзгаришлар, фан, технологияларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти мавқеининг ортиши, билимнинг асосий бойлик бўлиб бораётганлиги билан белгиланади. Иккинчидан, замонавий реалликнинг беқарорлиги, эҳтимолийлиги, мураккабликнинг барча жабҳаларда намоён бўлаётганлиги.... Замонавий мураккаб маконда фаолият олиб бориш учун бизга янги билиш усуллари, услуби, жуда кўп мутахассислар томонидан эътироф этилаётган мураккаб тафаккур зарур. Бунинг учун файласуфлар фан тизимида бўлаётган трансформация йўналишларини фалсафий методологик тадқиқ этишимиз зарур бўлади” [6.108-109].

Таҳлил, шахсий хулоса, мулоҳаза ва танқидий назар, бу ҳусусиятлар замонавий онг ва тафаккур тизимини ҳаракатга келтирувчи кучлардир. Шу маънода М.Абдуллаева таъкидлаганидек: “Ҳар қандай ўзгариш, янгиланиш, шу жумладан демократик ислоҳотлар, режали иқтисоддан бозор иқтисодиётига ўтиш, модернизация қилиш эски ғояларга эмас, балки шу даврга адекват бўлган янги ғояларга таянади. Бизнинг давримизда эса билимнинг мавқеи ошиб, жамият ривожланишининг асосий манбаи бўлмоқда” [6.38]. Онг ва тафаккур парвози учун учун илҳом, ҳиссиёт, фикр, барқарор ижтимоий муҳит ва фалсафа зарур. Ана шундай руҳий занжир ижтимоий тараққиётда вертикал ва горизонтал муносабатларнинг мутаносиблиги ва уйғунлиги содир бўлганда амалга ошади. “Инсон тажрибаси қанчалик кенг бўлмасин, дунё вужудга келиши инсоннинг чуқур когнитив илдизлари борлиги билан боғлиқ. Ушбу илдизлар инсонни биологик моҳиятидан келиб чиқади. Дунёни бунёд бўлиши инсон ҳар бир фаолиятида ва борлиғида намоён бўлади. У кўпчилик ҳолларда инсон ижтимоий ҳаётининг барча томонларига таъсир этади, шу билан бирга инсоний қадриятлар ва ҳохишларига ҳам. Шу билан ижтимоийлик ва ҳар бир инсон шахсига тегишли бўлган хусусиятлар ва уларнинг биологик илдизлари орасидаги боғланиш узилмайди” [3.12].

Шунинг учун замонавий онг моҳиятини тўғри ва аниқ тасаввур этиш учун мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни англаб ета оладиган теран мушоҳада ила фикр юритиш, таҳлил ва мухокама самараси жоиздир, руҳий ва маънавий якдиллик зарурдир.

“Нафақат ёшлар, деб таъкидлайди Президент Ш.Мирзиёев, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маданият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир!... Шу сабабли ҳаммамиз учун илғор билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларни эгаллашимиз шарт ва зарур. Бу бизга ривожланишнинг энг қисқа йўлидан бориш имконини беради. Чунки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб

бойлик, нодир истеъдод эгаларини тарбиялаб камолга етказишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ”[1.24].

Бунинг натижасида онгдаги мавжуд стереотиплар ўзгариб боради. Лекин онг ўзгариши бир сониялик жараён эмас. Бунда янги авлодлар миқёси, ислоҳотларда тобланган, ўзгарган, трансформацияга учраган ижтимоий жараёнларни тасаввур этиш лозим. Ижтимоий онгимиздаги азалдан шаклланган стереотипларнинг ўзгариши, наинки ҳаёт, жамият, тузум, балки ўзимизга миллий онглилигимизга, умуминсоний қадриятларга нисбатан муносабатни аллақачон ўзгартириб юборган бўлишига қарамай, бу қурилмани даврга жавоб бера оладими ёки йўқми, деган саволга жавоб бериш қийин.

Янги Ўзбекистон стратегияси истиқболли дастур сифатида жаҳон тараққиёти билан ҳамнафасликда кечаётган жараёнларни белгилаб беради. Масалан: “Стратегия тушунчаси ... XX асрнинг иккинчи ярмида бошлаб тижорат соҳасида методология ва амалий жиҳатдан, сўнгра давлат бошқаруви соҳасида ҳам ривожлана бошлади. XXI асрга келиб эса стратегия тушунчаси анча кенгайди. Дарҳақиқат, стратегия деб дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олмоқда” [5.13]– деб таъкидлайди Г.Жалолова.

Давримизнинг минтақавий, регионал миқёсдаги турли ижтимоий-сиёсий факторлари жамиятга таъсир этмай қолмайди. Инсон борлиқни англаш билан бирга эркин тафаккур жараёнига кириб боради. Демак, инсоннинг ҳиссиёти, тасаввури, маънавияти ва руҳий дунёсига таъсир қилиш ва уларни шакллантириш борасида фалсафий, диний, бадиий ва эстетик жиҳатдан фикрлашнинг муштарак жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўз тури, мазмуни ва йўналиши жиҳатидан фарқ қилсада, бироқ ижтимоий тараққиёт ва унинг захматларида якдилликка етакловчи куч қудрат тимсоли ила гавдаланади. Бир-бирига яқинлик ва бири иккинчисини тўлдириб туриши жиҳатдан бадиий ва эстетик онг инсон ижодий фаолиятини ифодаловчи асосий омиллари бўлиб қолади. Мустақиллик даврида ўзгарган, ўзлигини англаб, намоён этаётган ҳамда янгидан шаклланиб, етилган одамларнинг ҳаққоний қиёфаси, уларнинг тафаккур тарзи намоён этилган ижодий ва амалий фаолиятида ва замонавийликда белгиланади. Ижтимоий онг нафақат ижтимоий борлиққа алоқадор бўлган жамиятнинг бошқа тизим остига боғлиқлиги билан бир қаторда, барча тизим остига фаол таъсир кўрсатади ва шу билан бир қаторда уларнинг фаолияти ва тараққиётига самарали таъсир ўтказади [7.43].

Юқорида қайд этилган ижобий силжишлар ҳалқимизнинг тарихан шаклланган ички яратувчилик кобилиятининг намоён булиши билан бир каторда, бу ўзгаришларга тўртки берган ташқи шарт-шароитлар ҳам юзага келётганидан далолатдир. Бундай ўзгаришларнинг сабаби жаҳон тараққиётида амалга ошаётган оламшумул-тарихий аҳамиятга эга ўзгаришлар ва воқеалар силсиласидир. Зеро Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келадилар. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли ҳозирги кунда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилмоқда” [1.35].

Биз ўз олдимизга қўйган масала ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб эканлиги ва бу масалада мумкин қадар кенг ва ўзоқни қамраб оладиган дунёқарашга суянмоқ лозимлиги даркор. Нима учун? Чунки, гап фақат бугунги кун ҳақидагина эмас. Бизнинг мақсадимиз катта, кенг ва чуқур: биз, инсонлар, ақл ва тафаккур эгалари, ўтган беш ярим минг йиллик

тамаддуннинг изидан давом эттириб кетаверамизми ёки бирлашиб харакат қилиб, бунёдкорлик масаласида диққатга сазовор қандайдир жиддий ўзгаришга эришамизми,- ана гап нимада.

Маълумки, юқорида қайд этилган масалалар соф фалсафий муаммо эканлиги шубҳасиз. Улар Янги Ўзбекистоннинг эркин, демократик, ижтимоий ва халқаро муносабатларининг кенгайиб бориши билан бевосита боғланган. Минтақавий, ҳудудий муносабатлар ой сайин, йил сайин мураккаблашиб бормоқда. Бу жараёнларнинг, яъни - ҳаётнинг бойлиги, ранг-баранглиги, турли-туманлиги, серқиёлиги, мойилликлари, иштиёқлари беҳисоб ва чексиздир. Бу сифатлар фақат инсон орқали намоён бўлади ва бўла олади. Улар табиат бағрида имконият сифатида мавжуд. Лекин, уларни маълум бир муайян ғоя, фикр ва мақсадга бўйсунтириб, объектив борлиққа олиб чиқиш,- инсоннинг вазифаси, унинг маълум бир майлини юзага чиқаришдир. Ана шу мисолларда мутлақ ҳақиқатга,- сон-саноқдами, муайян моддий ва маънавий кўринишлардами,- яқинлашиб бораётганимизни кўриш мумкин. Жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиёти ана шундай намоён бўлади. Бу жараён олам каби фазода ва вақтда чексиз. Одамнинг оламни қабул қилиб олиш имкониятлари фазода ва вақтда чекланган эканини инобатга олиб, ҳар бир авлод ўз фаолият чегараларини белгилайди. Кўпчилигимизга мавҳум ва қизиқарли эмас бўлиб кўринган ва туюлган бу хулоса ҳамда мулоҳазалар аслида мустаҳкам мустақиллигимизнинг метиндек бақувват назарий асосларидир.

Адабиётлар:

1. Шовкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, “O’ZBEKISTON” нашриёти, 2021;
2. Философское сознание: драматизм обновления. М.: Издательство Политической литературы. 1991;
3. М.Абдуллаева, Г.Маҳмудова, Г.Жалолова ва бошқалар. Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати // Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Фалсафа илмий жамоаси. – Тошкент: «Университет», 2018;
4. М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалолова. Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари. Т.: “NOSHIR”, 2020;
5. Г.Т.Маҳмудова, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалалова. Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси. Т.: “NOSHIR”, 2020;
6. Мустақиллик ва ғоялар фалсафасининг назарий-методологик асослари. Т.: Наврўз, 2014;
7. Б.А.Грушин. Массовое сознание. М.: Издательство политической литературы. 1987.

WORDLY KNOWLEDGE